

2022-1 сонли  
ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Самарканд ш.

01 апрель 2022 йил

Самарканд Давлат Тиббиёт институти (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи ректор Ж.Ризаев бир томондан ва "Булунгур Добил курувчи ХК" (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) номидан Низом (устав) асосида иш юритувчи директор Г.Уралова иккинчи томондан Самарканд давлат тиббиёт институти қошидаги академик лицей ётоқхона биноси фасад қисмини жорий таъмирлаш ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект (қуриш, қайта қуриш ва мукамал) таъмирига ишчи чизмалар туркуми, ер ишларида тегишли ташкилотлардан ҳулосалар, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-усқуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-усқуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вакцинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вакцинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича объектда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига бажариладиган ишлар учун зарур шароитлар яратиш, бажарилган ишларни қабул қилиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БҮЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (30.05.2022 й. 5559/2022) билан тасдиқланган ишлар қиймати ушбу объект тулақонлигича фойдаланишга топширилишида ҚҚСлари билан 125 000 000 (Бир юз йигирма беш миллион) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

объектнинг қайта қуриш ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартнома қийматининг ун фоизидан ошмаган ҳолда ва ушбу ўзгаришларга белгиланган тартибда смета-ҳужжатлари тайёрланган ҳолда расмийлаштирилади.

### IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Объектдаги қурилиш ишлари бошланишдан олдин объектда қурилиш ишларини олиб бориш даври учун, буюртмачи иштирокида қурилиш қилинаётган бино қисмини ва ундаги мавжуд элементларини далолатнома асосида объектдан фойдаланувчи ташкилотдан қабул қилиб олади ва таъмирлаш ишлари якунлангандан сўнг фойдаланувчи ташкилотга топширади. Пудратчи томонидан қурилиш ишлари олиб борилаётган даврда ушбу бино қисмидаги элементларини сақлаш ишларини амалга оширади;

Ушбу қурилиш объектини қуриш даврида электр энергияси, сув ва табиий газдан фойдаланиш зарурияти булган тақдирда белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан шартнома тузиш, туловларини амалга ошириш, зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат

лабораторияси ва лойихачи ташкилотнинг тегишли хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин, ҳар қандай иш туридаги ушбу узгаришлар юзасидан Буюртмачини хабардор қилиш;

лойиха-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иктисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида Буюртмачини хабардор қилган ҳолда йўналтирилиши мумкин ва ушбу иш турлари тендер иш ҳажмларида булса нархлари тендер нархларида олинishi, агарда тендерда булмаса смета-ҳужжатларидаги нархларда олиниб ҳисоб-фактурасида курсатилиши лозим.

объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортни тақдим этади;

шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдиқланган лойихага мувофиқ топширади;

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг қучлари билан қурилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш, ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади ҳамда ажратилган маблағ доирасида қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишларини бажаради;

объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошка хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни амалга оширади;

зарур ҳолларда қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуради;

Буюртмачини, ёрдамчи пудратчилар билан пудрат шартномалари тузилиши давомида, ушбу шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилади;

қурилиш майдонида техника ҳавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатади;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлайди;

Ойма-ой ёки бир ой давомида бажарилган қурилиш-монтаж ишлари юзасидан мониторинг ҳолатда ҳисоб-фактурасини ойнинг 25 санасигача Буюртмачига тақдим қилади;

Объектда қурилиш-монтаж ишлари тулик тугатилгандан кейин бажарилган қурилиш-монтаж ишлари юзасидан ҳисоб-фактурани тулик тақдим қилади;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

7. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз қучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошка камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

7.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан пудратчи ташкилоти "Буюртмачи" ушбу объект бўйича аванс маблағларини молиялаштириб берганига қадар 20 фоиз айланма маблағлари ҳисобидан қурилиш-монтаж ишларини бошлашига қелишилди.

#### **V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

8. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб \_\_\_ кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатларини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

9. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

10. Пудратчи объектда қайта қуриш ишларини танлов савдоларининг натижаларига асосан 30 кунда тугатиб, объектнинг сифатли ва тулик қилиб (тегишли барча ҳужжатлар билан бирга) фойдаланишга

топширилиши белгиланган. Молиялаштириш ёки Буюртмачига тегишли бошка сабаблар булганда вилоят тендер комиссиясининг қарорига асосан қурилиш муддатига узгартиришлар киритилиши мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ишларнинг бошланиши 01.04.2022 тугатилиши 2022 йил 01.04.2022 деб белгиланган. Ўз.Рес. Президенти, Ўз.Рес.Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари, фармонлари ва баёнларига асосан ушбу объектнинг фойдаланишга топшириш тегишли қарорлари, фармонлари ва баёнларида кўрсатилган муддатларда пудратчи ташкилот объектни тўлиқ фойдаланишга топшириши шарт.

Пудрат шартномаси амал қилиш муддати 31.12.2022 йил.

11. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### **VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

12. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича жорий (режалаштирилган) йилнинг иш қийматининг 30 фоиз миқдоридан аванс маблағи, тенг тақсимланган ҳолда тўлаб беради. Бу 37500000 (Ўттиз етти миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади.

13. Жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблағининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар миқдоридан берилган аванс миқдорини ушлаб қолиб, объектнинг шартномавий қиймати 70 фоиз миқдорда амалга оширилади.

15. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

16. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритишни талаб қилиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

17. Буюртмачи объектда ўз вақилини - техник назоратчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар ҳажми ва сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

18. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўлиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

19. Пудратчи техник кузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник кузатувчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган, таъмирлаш объектида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

20. Пудратчи ишларни бажариш дойирлигига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

21. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини Давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

22. Объектда умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

23. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

24. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

25. Пудратчи Буюртмачининг қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

26. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисmini ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига ва қийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

Объектда қурилиш жараёнида технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралик ишларни қабул қилиб олишда Буюртмачи томонидан комиссия таркибидан иштирок этиш учун ушбу объектдан фойдаланувчи ташкилоти жалб этилиши мумкин.

Объектнинг бажарилган ишлари ва тугалланган объектларини ойлик (оралик) қабул қилиб олиш буюртмачи ва пудратчи томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишларни ойлик (оралик) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-хисоб-фактура билан, микдор ва қиймат кўрсаткичлари хисоб-китоб жадвалида ақс эттирилган ҳолда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

27. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари ва маблағлари хисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

28. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ участкалари ва йўлақларни супуриб-сидиради ва озода саклайди.

29. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, кунлик ўртacha ҳаво ҳарорати ва ёгингарчиликлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) ақс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарда ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган қамчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### **IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ**

30. Пудратчи таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва қайта қуриш ишлари тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудда материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

#### **X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ**

31. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари- бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғокчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага қелган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқуллодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлардир.

32. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида қелиб қикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундан қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага қелтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

33. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

34. Агар томонлар икки ой ичида қелиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **XI. ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ**

35. Қурилиш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қондалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

Қурилиш объекти ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) объектнинг тугалланганлиги ва у қабул қилиб олишга тайёрлиги тўғрисида пудратчи ташкилотнинг хабарномасидан кейин ишчи комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

Пудратчи ташкилот ишчи комиссияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;
- қабул қилишга тақдим этилган объектнинг техник лойиҳаси ва ишчи қизмалари тўплами, ижро схемлари;

- ёпилдиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

- ишларни бажариш ва муаллифлик назорати журналлари;

- Ўзбекистон Республикаси "Давархитектура-қурилиш" қўмитаси Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан кўрсатилган қамчиликларни бартараф этиш далолатномалари.

36. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси асосида Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олинади.

37. Пудратчи қайта қуриш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки

нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

38. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда объектлардан фойдаланиш корхонаси балансига ўтади.

## ХII. КАФОЛАТЛАР

39. Пудратчи:

барча ишлар тўлик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха-смета ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиклигини;

лойиха-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлик ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иктисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида Буюртмачини хабардор қилган ҳолда йўналтириши мумкин ва ушбу иш турларига смета-ҳужжатларини тайёрлатиш;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуксонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бепул бартараф этишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

40. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қайта қуриш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

41. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

42. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## ХIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

43. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

бажарилган қурилиш-монтаж ишларига бажарилганлиги юзасидан ҳисоб-фактурасини расмийлаштириб бир ой ичида топширилмаган ҳолда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун ҳужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

44. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун ҳужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

45. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган таъмирлаш 15 кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

46. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

47. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

48. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

49. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

Қайта қуриш ишларини олиб бораётган Пудратчи ташкилот қонунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ буюртмачи олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкӣ жавобгардир:

сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалламагани;

буюртмачи билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан усқуналарни монтаж қилиш муддатларини бузилиши;

объектнинг лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган ерларни рекултивация қилиш ишлари бажариш ҳажмлари ва муддатларининг бузилиши;

қайта қуриш жараёнида ёки оралик қабул қилишда пудратчи, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада қўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

Пудратчи ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекинши ёки бошқа камчиликлар мавжудлигида Буюртмачи, агар қонунчилик ёки шартномада бошқа шартлар қўзда тутилмаган тақдирда, пудратчи ташкилотдан ўз ихтиёрига қўра қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

нуқсонларни оқилона муддатларда ўз ҳисобидан бартараф этишни;

Агар Пудратчи ташкилот нуқсонларни қелишилган муддатларда бартараф этмаса, Буюртмачи ёки объектдан фойдаланувчи ташкилот ўз қучи билан Пудратчи ҳисобидан нуқсонларни бартараф этиш ҳамда нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

50. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси молиялаштирилмаган маблағ қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

51. Пудратчи томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,2 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

52. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектқурилишназорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима ундириш ҳуқуқига эга.

53. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

54. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

54. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Самарканд шаҳар иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

#### XVII. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

55. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро қелишувлари ўз кучини йўқотади.

56. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

57. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

58. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

59. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

60. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

61. Мазкур пудрат шартномаси томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунча амал қилади.

62. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусxada тузилди.

63. Мазкур шартнома вилоят газначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг ҳуқуқий кучга киради.

#### XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНҚ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

Самарканд Давлат тиббиёт институти  
Молия Вазирлиги Газначилиги  
Номи: Самарканд вилоят тиббиёт институти  
Манзили: Самарканд вилояти, Самарканд шаҳри, Чиланбоғ кўчаси, 10-йўл  
Банк номи: АТБ "Хамкорбанк" Сам филиали  
Х/Р: 23402000300100001010  
СТИР: 201122919 МФО: 00014  
II / Марказий банк ХККМ Тошкент ш.Бош бошқармаси  
МФО: 400110860184017094100054001  
ИФУТ: Самарканд вилояти газначилик бошқармаси  
СТИР: 201007711 ОКЭД: 85420

Директор \_\_\_\_\_

Ҳуқуқшунос \_\_\_\_\_



#### "ПУДРАТЧИ"

Номи: "Булунгур Довил қурувчи ХК"  
Манзили: Булунгур тумани Авлиёпарли маҳалласи  
Банк номи: АТБ "Хамкорбанк" Сам филиали  
Х/Р: 2020 8000 9007 4378 1001  
МФО: 01030  
СТИР: 304569886  
ИФУТ:  
Тел: 97 911-63-11

Директор \_\_\_\_\_

Ҳуқуқшунос \_\_\_\_\_



Спецификация №1

К договору № 2022-1 от 01.09. 2022г.

№ПП	НАИМЕНОВАНИЕ ЗАТРАТ	ЦЕНА (ВСЕГО)	В ТОМ ЧИСЛЕ
1	2	3	4
1	ЗАТРАТЫ НА ОБОРУДОВАНИЕ, МЕБЕЛЬ И ИНВЕНТАРЬ	0	
2	ЗАТРАТЫ НА СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ, ИЗДЕЛИЯ И КОНСТРУКЦИИ	44 686 630	44 686 630
3	ЗАТРАТЫ НА ОСНОВНУЮ ЗАРАБОТНУЮ ПЛАТУ С УЧЕТОМ НАЧИСЛЕНИЙ НА СОЦИАЛЬНОЕ СТРАХОВАНИЕ	46 607 744	46 607 744
4	ЗАТРАТЫ НА ЭКСПЛУАТАЦИЮ МАШИН МЕХАНИЗМОВ	441 241	441 241
5	ПЕРЕВОЗКА ГРУНТА	0	
6	<b>ИТОГО ПРЯМЫЕ ЗАТРАТЫ</b>	<b>91 735 615</b>	<b>91 735 615</b>
7	ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ И РАСХОДЫ ПОДРЯДЧИКА -18,11%	16 613 320	16 613 320
8	ЗАТРАТЫ НА СТРАХОВАНИЕ СТРОИТЕЛЬСТВА ОБЪЕКТОВ	346 717	346 717
9	КОЭФФИЦИЕНТ РИСКА, ОПРЕДЕЛЯЕМЫЙ ИСХОДЯ ИЗ ПРОГНОЗИРУЕМОГО ИНДЕКСА РОСТА ЦЕН В СТРОИТЕЛЬСТВЕ НА ОЧЕРЕДНОЙ ГОД -1,5%	0	
10	<b>ИТОГО СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ</b>	<b>108 695 652</b>	<b>108 695 652</b>
11	НДС -15%	16 304 348	16 304 348
12	<b>ВСЕГО СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ</b>	<b>125 000 000</b>	<b>125 000 000</b>

Заказчик  
01/09/22

МП







Samarqand viloyat Bulung'ur tumani xokimligi huzuridagi  
Tadbirkorlik Sub'yektlariga Davlat hizmatlariko'rsatish "Yagona darcha" markazi

# GUVOHNOMA

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazish to'g'risida.

Reestrdaagi tartib raqami 44  
2017 yil "25" YANVAR

№ 0005442

Mazkur guvohnoma yuridik shaxs BULUNG'UR DABIC QURUVCHI  
XUSUSIY KORXONASI ga

(yuridik shaxs bo'lgan dehqon xo'jaliklari, fermer xo'jaliklari uchun ajratilgan er  
uchastkasi va uning maydoni ko'rsatiladi)

Tashkiliy-huquqiy shakli:

TSHH

PPD

Mulkechilik shakli:

MSH

PP4

Pochta manzili:

MHOBT

1718206840

Yuridik shaxs kodi:

KTUT

26820077

Soliq to'lovlarning identifikasion raqami:

STIR

304569886



Markaz direktori: [Signature] S.S. Shadiyarov